

---

## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари Шукуруллохон Нисбатхонов томонидан Халқ қабулхонаси биносида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Қабулда шаҳардаги 4 та сектор ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва масъуллар иштирок этишди. Мазкур қабулда жами 47 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тadbиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, субсидия, бандлик, соғлиқни сақлаш, бола нафақаси, газ, электр ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олинди, 7 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 11 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2023-09-19 16:08:32